В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ҲАКИМОВ ОТАБЕК НОРБЎТА ЎҒЛИ

ЧЕКСИЗ ЎЛЧАМЛИ ВА НОАРҲИМЕД ДИНАМИК СИСТЕМАЛАРНИНГ ГИББС ЎЛЧОВЛАРИ НАЗАРИЯСИГА ТАТБИҚЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

УДК: 517.98

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Ҳакимов Отабек Норбўта ўғли
Чексиз ўлчамли ва ноарҳимед динамик системаларнинг Гиббс ўлчовлари назариясига татбиқлари…… 3

Khakimov Otabek Norbuta ugli
Applications of infinite dimensional and non-Archimedean dynamical systems to the theory of Gibbs measures…… 31

Хакимов Отабек Норбута угли
Приложения бесконечномерных и неархимедовых динамических систем к теории гиббсовских мер……... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…….. 59

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ҲАКИМОВ ОТАБЕК НОРБЎТА ЎҒЛИ

ЧЕКСИЗ ЎЛЧАМЛИ ВА НОАРҲИМЕД ДИНАМИК СИСТЕМАЛАРНИНГ ГИББС ЎЛЧОВЛАРИ НАЗАРИЯСИГА ТАТБИҚЛАРИ

01.01.01– Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.DSc/FM186 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (https://kengash.mathinst.uz) ва «ZIYONET» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:	**Розиқов Ўткир Абдуллоевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Мухамедов Фаррух Максутович физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Хренников Андрей Юрьевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Икромов Исроил Акрамович физика-математика фанлари доктори, профессор
	Эшматов Фарход Ҳасанович физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	**Наманган Давлат университети**

Диссертация ҳимояси В.И.Романовский номидаги Математика институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг « 29 » июл 2022 йил соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (99871) 207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz. Website: www.mathinst.uz).

Докторлик диссертацияси билан В.И.Романовский номидаги Математика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (143-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (99871) 207-91-40.)

Диссертация автореферати 2022 йил « 13 » июл куни тарқатилди.
(2022 йил « 13 » июлдаги 2-рақамли реестр баённомаси).

А. Азамов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раис ўринбосари, ф.-м.ф.д., академик

Ж.К. Адашев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

У.У. Жамилов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда дискрет вақтли динамик системаларни тадқиқ қилиш каби масалаларга келтирилади. Динамик системалар назариясининг келиб чиқиши Ньютон механикаси билан бевосита боғлиқ. Бунда табиий ва техника фанларида бўлгани каби динамик система эволюциясининг қонунияти системанинг келажакдаги оний вақт давомидаги ҳолатини ифодаловчи ошкормас муносабат кўринишида берилади. Электрон ҳисоблаш машиналари яратилишигача бўлган даврларда динамик системаларни тадқиқ қилиш мураккаб математик усулларни қўллашни талаб қилардики, буни динамик системаларнинг фақат маълум бир синфлари учун амалга ошириш мумкин эди. Динамик системалар назарияси мухандислик, биология, кимё, физика, иқтисодиёт, психология ва бошқа турли соҳаларда татбиқларга эга фан йўналиши ҳисобланади.

Ҳозирги кунда спин қийматлари тўплами кўпи билан саноқли бўлган панжарали системалар учун барча даврий Гиббс ўлчовлари тўпламини тавсифлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу каби масалалар вектор фазолардаги дискрет вақтли динамик системаларни тадқиқ қилишга олиб келинади. Берилган Ҳамилтонианга мос динамик системада траекториянинг ҳолатини билган ҳолда барча трансляцион-инвариант ва даврий Гиббс ўлчовлари тўпламини тавсифлаш мумкин. Шунингдек, охирги изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, p-адик динамик системалар кутилмаган “эффектлар”ни келтириб чиқаради. Шу боис, дискрет вақтли ноарҳимед динамик системаларнинг регулярлик, эргодиклик, минималлик, хаотиклик ва топологик қоришма каби хоссаларини тадқиқ қилиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқига эга бўлган динамик системалар назариясининг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилмоқда. Жумладан, охирги йилларда спин қийматлари кўпи билан саноқли бўлган панжарали системаларда аниқланган классик моделлар учун ҳақиқий ва p-адик акслантиришларнинг даврий орбиталарини ўрганиш ҳамда ўлчовлар назариясининг амалий муаммоларни ҳал этиш борасида салмоқли натижаларга эришилди. “Математик физика, ноарҳимед функционал анализ, ноарҳимед ўлчовлар назарияси ва динамик системалар назарияси” фанларининг устивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда илмий натижалардан илм-фаннинг турдош соҳаларида фойдаланиш мақсадида панжарали системаларда берилган, спин қийматлари кўпи билан

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сонли қарори.

саноқли бўлган статистик физика моделларига мос акслантиришлар учун ноарҳимед динамик системалар назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 Фармони, 2019 йил 9 июлдаги “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4387 Қарорлари ва 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4708-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Математика, механика ва информатика” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Дискрет вақтли динамик системалар назарияси ва панжарали системалар учун Гиббс ўлчовлари назарияси бўйича илмий тадқиқотлар илғор хорижий мамлакатларнинг етакчи илмий-текшириш марказлари ва университетларида олиб борилмоқда. Жумладан, Физика институти (Сербия), Россия Фанлар Академиясининг В.А.Стеклов номидаги Математика институти (Россия), Украина Миллий Фанлар Академияси Математика институти (Украина), Сербия Фанлар Академияси Математика институти (Сербия), “Компьютер фанлари ва бошқарув” Федерал тадқиқот маркази (Россия), Линнеус университети (Швеция), Индиана университети (АҚШ), Берлин Вейерштрасс тадқиқот институти, Берлин Техника университети, Бон ва Рур университетлари (Германия), Халқаро Назарий Физика маркази, Римдаги Ла Сапиенза университети (Италия), Марсел ва Париж университетлари (Франция), Бирлашган Араб Амирликлари университети (БАА), Лидс университети (Буюк Британия), Мельбрун университети (Австралия), Миллий Политехника институти қошидаги Тадқиқот маркази (Мексика), Малайзия Халқаро Ислом университети (Малайзия).

Ноарҳимед динамик системалар бўйича олинган муҳим натижалар қуйидагилардан иборат: *p*-адик тор назариясининг ривожланиши (Россия Фанлар Академиясининг В.А.Стеклов номидаги Математика институти, Россия), ноарҳимед эҳтимоллик ўлчовлари назариясининг ривожланиши (Россия Фанлар Академиясининг В.А.Стеклов номидаги Математика институти, Россия; Линнеус университети, Швеция; Физика институти, Сербия), ноарҳимед операторлар назариясининг ривожланиши (Украина Миллий Фанлар Академияси Математика институти, Украина; Сербия Фанлар

Академияси Математика институти, Сербия), *p*-адик функциялар динамикасининг компьютер фанларига қўлланиши (“Компьютер фанлари ва бошқарув” Федерал тадқиқот маркази, Россия), *p*-адик динамик системалар учун хоатиклик мезонини аниқлаш (Марсель ва Париж университетлари, Франция), ихтиёрий тартибли Кэли дарахтидаги ферромагнетик Поттс модели учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовларини таснифлаш (Бон ва Рур университетлари, Германия), Поттс модели учун чегаравий қонуниятни тадқиқ қилиш (Лидс университети, Буюк Британия), SOS модели учун Гиббс ўлчовининг ягона эмаслигини текшириш (Берлин Вейерштрасс тадқиқот институти ва Берлин Техника университети, Германия), *p*-адик Гиббс ўлчовлари назариясини ривожлантириш (Бирлашган Араб Амирликлари университети, БАА), Кэли дарахтидаги Изинг модели учун парамагнетик, ферромагнетик ва антиферромагнетик фаза алмашишлари мавжудлигини текшириш (Мельбрун университети, Австралия), *p*-адик сонлар майдони устида мономиал тенгламанинг илдизларини топиш (Малайзия Халқаро Ислом университети, Малайзия).

Бугунги кунда ноарҳимед динамик системаларни тадқиқ қилиш ва уларнинг Гиббс ўлчовлари назариясига татбиқлари бўйича қуйидаги йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда: траекториянинг асимптотик характерини тадқиқ қилиш, хусусун, динамик системанинг минималлик, эргодиклик, топологик қоришма ва хаотиклик каби муҳим хоссаларини текшириш, шунингдек, кўпи билан саноқлита спин қийматга эга Ҳамилтониан учун барча трансляцион-инвариант *p*-адик Гиббс ўлчовлари тўпламини тавсифлаш, берилган модел учун фаза алмашишлари мавжудлигини текшириш, *p*-адик ўлчовларнинг чегаралганликка ва сингулярликка текшириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чизиқли динамик системалар функционал анализнинг ёш ва жадал ривожланаётган йўналишларидан бири бўлиб, уни 1982 йилда Торонтада PhD диссертациясини ҳимоя қилган С.Китаининг ишлари билан бошланган дейиш мумкин. Бу йўналишнинг оммалашишида Г.Годефрой, Ж.Ҳ.Шапиро, К.Г.Гроссе-Эрдман каби математикларнинг хизматлари катта. Юкланган чапга суриш операторининг гиперциклик ва суперциклик бўлиши учун мезонлар Х.Салас томонидан олинган. С.Шкарин ихтиёрий сепарабел чексиз ўлчамли Банах фазосида Китаи мезонини қаноатлантирувчи чегаралганган чизиқли *T* операторнинг мавжудлигини исботлади. А.Н.Кочубеи ноарҳимед Банах фазоларида берилган чизиқли операторлар учун ноарҳимед спектрал назариянинг ривожланишига ҳисса қўшди. Ҳозирда *p*-адик анализ математиканинг тез ривожланаётган йўналишларидан ҳисобланади. В.И.Волович, С.Албеверио, А.Ю.Хренников, Р.Чианчи, В.С.Анашинлар *p*-адик сонларнинг *p*-адик дифференциал тенгламалар назарияси, *p*-адик эҳтимоллар назарияси ва *p*-адик математик физикага кўплаб татбиқларини келтириб ўтишди. Маълумки, *p*-адик сонлар Диофант тенгламаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу *p*-адик

сонлар майдонида кўпҳаднинг нолларини топиш ёки унинг ноллари сонини аниқлаш каби масалаларда намоён бўлади. А.Ю.Хренников, Э.Юръева томонидан мономиал тенгламанинг умумлашмаси бўлган 1-Липшиц функцияларининг ноллари мавжудлиги мезони топилган. Шунингдек, улар томонидан бундай функциялар учун Ҳензел леммасининг умумлашмаси исботланган.

Гиббс ўлчовлари назариясида Колмогоровнинг ўлчовни давом эттириш ҳақидаги теоремаси муҳим рол ўйнаши маълум. Н.Н.Ғанихўжаев, Ф.М.Мухамедов ва Ў.А.Розиқов томонидан бу теореманинг ноарҳимед муқобили исботланган. Шунингдек, *p*-адик эҳтимоллар назарияси А.Ю.Хренников, С.Ямада, ван Руиж, С.М.Лудковский, Ли Ней, Ф.М.Мухамедов, Н.Н.Ғанихўжаев ва Ў.А.Розиқовларнинг илмий изланишлари натижасида шаклланди. Дискрет вақтли *p*-адик динамик системалар назариясининг муҳим натижаларидан бири А.Х.Фан, С.Л.Фан, Л.Лиао, ва Й.Ф.Ванг томонидан олинган бўлиб, улар *p*-адик функциялар динамик системалари учун хаотиклик мезонини топишган. Шунингдек, Л.Лиао ихтиёрий бошланғич нуқта учун зич траекторияга эга кўплаб *p*-адик функцияларни қуришга муваффақ бўлган.

Охирги йилларда ўйинлар назариясига квадратик динамик системаларни қўллаш орқали кўплаб натижалар олинмоқда. Ж.Ҳоффбауэр ва К.Зигмундларнинг айнан шу мавзудаги қўлланмаси ўйинлар назариясига кириш учун дастлабки қадам вазифасини ўтаб беради. Дискрет вақтли Волтерра операторлари нол йиғиндили эволюцион ўйинлар динамикасини тавсифлашда муҳим ўрин тутади. Айтиш мумкинки, нол йиғиндили дискрет эволюцион ўйинлар динамикаси Э.Акин ва В.Лозерт томонидан тадқиқ қилинган. Т.Нагилакининг илмий изланишларига кўра система етарлича кўп турлардан иборат бўлганда ҳам Волтерра операторларини тадқиқ қилиш зарурати туғилади. Бошқача айтганда ўйин иштрокчилари сони жуда кўп ёки чекланмаган ҳолда натижа қандай бўлишини башорат қилиш муҳим ҳисобланади. Бу ўз навбатида “чексиз ўлчамли симплексда Волтерра оператори нинг динамикаси қандай бўлади?” деган саволни келтириб чиқаради. Чексиз ўлчамли Волтерра оператори нинг муҳим хоссалари Ф.М.Мухамедов, Ҳ.Акин, С.Темир томонидан ўрганилган. Шу ўринда Волтерра квадратик операторлари полиномиал стохастик операторларнинг ҳусусий ҳоли эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий ташкилот ёки таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Математика институтининг Ф4-ФА-Ф013 рақамли “Операторлар ва ноассоциатив алгебралар, динамик системалар ва уларнинг статистик механика ва популяцион биологияга татбиқлари” (2012-2016 йй), ЁФ-4-3+ЁФ-4-4 рақамли “Саноқли графларда спин системаларнинг эҳтимоллик ўлчовлари ва Ли алгебраларнинг тасвирлари ёрдамида ҳосил қилинувчи Лейбниц алгебралари” (2016-2017 йй) ва ОТ-Ф4-82 рақамли “Операторлар ва ноассоциатив

алгебраларда локал дифференциаллаш ва автоморфизмлар, ночизиқли динамик системаларда фаза алмашишлар ва хаос” (2017-2020) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Банах фазоларида дискрет вақтли ноарҳимед динамик системаларга мос моделлар учун *p*-адик Гиббс ўлчовларини қуриш, абсолют яқинлашувчи кетма-кетликлар фазосида полиномиал стохастик операторларнинг суръективлиги мезонларини топиш ва уларнинг омега лимит тўпламларини тавсифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

F-фазоларда берилган чизиқли операторларнинг гиперциклик ва суперциклиги ҳақидаги (ҳақиқий ёки комплекс ҳолда) маълум теоремаларнинг ноарҳимед муқобилини исботлаш ва ноарҳимед кетма-кетликлар фазосида берилган умумлашган юкланган чапга суриш операторини тадқиқ қилиш;

p-адик сонлар майдонида мономиал тенгламанинг барча илдизлари тўпламини тавсифлаш;

ярим чексиз Кэли дарахтида берилган *p*-адик Изинг модели учун умумлашган *p*-адик Гиббс ўлчовларини қуриш ва бу модел учун трансляцион-инвариант умумлашган *p*-адик Гиббс ўлчовлари тўпламини тавсифлаш;

ярим чексиз Кэли дарахтида берилган *p*-адик Изинг-Ваннименус модели учун фаза алмашишлари мавжудлигини текшириш;

p-адик Поттс-Бете функцияси учун траекториянинг асимптотик ҳолатини текшириш ва ярим чексиз Кэли дарахтида берилган *p*-адик Поттс модели учун барча даврий умумлашган *p*-адик Гиббс ўлчовлари тўпламини тавсифлаш;

SOS модели учун *p*-адик Гиббс ўлчовларини қуриш. Бу модел учун Гиббс ўлчовининг ягоналиги мезонларини аниқлаш;

чексиз ўлчамли симплексда аниқланган полиномиал стохастик операторларнинг суръективлиги учун зарур ва етарли шартларни топиш ҳамда полиномиал стохастик операторлар учун омега лимит тўпламларни тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти: *p*-адик сонлар, гиперциклик/суперциклик операторлар, Кэли дарахти, панжара моделлари, *p*-адик Гиббс ўлчовлари, хаос, ночизиқли Марков операторлари, Ҳаммерштейн интеграл оператори, омега лимит тўпламлар.

Тадқиқотнинг предмети: Группалар ва графлар назарияси, алгебра ва сонлар назарияси, Гиббс ва ноарҳимед ўлчовлар назарияси, дискрет вақтли динамик системалар назарияси, символик динамика, ночизиқли Марков жараёнлари ва интеграл тенгламалар.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқот ишида функционал анализ, группалар назарияси, ўлчовлар назарияси, динамик системалар назарияси, стохастик жараёнлар ва ночизиқли интеграл тенгламалар назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ноарҳимед кетма-кетликлар фазосида берилган умумлашган юкланган

чапга суриш операторининг гиперциклик, суперциклик ва циклик бўлиши учун зарурий ва етарли шартлар топилган;

ярим чексиз Кэли дарахтида берилган *p*-адик Изинг модели учун трансляцион-инвариант умумлашган *p*-адик Гиббс ўлчовлари тўплами тавсифланган ва *p*-адик Изинг-Ваннименус модели учун фаза алмашиши мавжудлиги исботланган;

p-адик Поттс-Бете функциясининг динамикаси хаотик характерга эгалиги исботланган ва ярим чексиз Кэли дарахтида берилган *p*-адик Поттс модели учун барча даврий умумлашган *p*-адик Гиббс ўлчовлари тўплами тавсифланган;

SOS модели учун *p*-адик Гиббс ўлчовлари қурилган ва берилган модел учун бу ўлчов ягона бўладиган параметрнинг аниқ қийматлари топилган;

чексиз ўлчамли симплексда аниқланган полиномиал стохастик операторларнинг суръективлиги учун зарурий ва етарли шартлар топилган ҳамда бундай операторлар учун кучли ва кучсиз омега лимит тўпламлари тўлиқ тавсифланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

p-Адик сонлар майдонидаги мономиал тенгламанинг барча илдизлари тўпламининг тўлиқ тавсифи панжарали системалар учун трансляцион-инвариант умумлашган *p*-адик Гиббс ўлчовлари сонини аниқлашда қўлланилган;

p-Адик Поттс-Бете функциясининг хаотик характерга эгалигини кўрсатишда қўлланган усулдан чексиз кўп даврий умумлашган *p*-адик Гиббс ўлчовларини қуришда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Функционал анализ (асосан, ноарҳимед функционал анализ), дискрет вақтли динамик системалар, Гиббс ва ноарҳимед ўлчовлар назарияси, ночизиқли операторлар назарияси усуллари ва ва қўзғалмас нуқталар ҳақидаги теоремалардан фойдаланилган. Олинган натижалар қатъий математик мулоҳазаларга асосланиб исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ярим чексиз Кэли дарахтида берилган *p*-адик статистик механиканинг кўпи билан саноқлита спин қийматларга эга моделларига мос функцияларнинг динамикаси *p*-адик Гиббс ўлчовларининг термодинамик хоссаларини тадқиқ қилишда қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти *p*-адик сонлар майдонидаги мономиал тенгламанинг илдизларидан фойдаланиб *p*-адик Поттс-Бете функциясининг хаотиклиги мезонини олиш ҳамда саноқли сондаги умумлашган *p*-адик Гиббс ўлчовини қуриш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ноарҳимед динамик системаларнинг *p*-адик Гиббс ўлчовларига татбиқлари бўйича олинган натижалар асосида:

Ярим чексиз Кэли дарахтида берилган *p*-адик Поттс модели учун барча даврий умумлашган *p*-адик Гиббс ўлчовлари тўпламининг тўлиқ таснифидан хорижий илмий-журналларда (*p*-Adic Numbers, Ultrametric Analysis and Application, 2021, 13(4); Results in Mathematics, 2020, 75(3); Chaos, Solitons & Fractals, 2017, 105; Mathematical Physics Analysis and Geometry, 2015, 18(1)) *p*-адик рационал функцияларнинг даврий қўзғалмас нуқталарини топишда фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланилиши қаралаётган физик системаларнинг термодинамикасини таҳлил қилиш имконини берган.

p-Адик Поттс-Бете функциясининг хаотиклигини кўрсатишда қўлланган усулдан хорижий илмий-журналларда (Reviews in Mathematical Physics, 2021, 33(10); *p*-Adic Numbers, Ultrametric Analysis and Application, 2020, 12(3); Entropy, 2019, 21(11); Science China Mathematics, 2018, 61(12)) *p*-адик рационал функциялар учун траекториянинг асимптотик ҳолатини тавсифлашда кенг фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланилиши *p*-адик динамик системани минимал қисм системаларининг бирлашмаси кўринишида ифодалаш имконини берган.

Ярим чексиз Кэли дарахтида берилган *p*-адик Изинг-Ваннименус модели учун трансляцион-инвариант умумлашган *p*-адик Гиббс ўлчовлари тўплами тавсифи ва бу модел учун фаза алмашиши мавжудлигидан хорижий илмий-журналларда (Journal of Mathematical Physics, 2022, 63(1); Journal of Mathematical Physics, 2020, 61(1); Journal of Statistical Physics, 2018, 171(6)) ноарҳимед ўлчовларини қуришда фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланилиши чегараланмаган ноарҳимед ўлчовларини топиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 25 та иш илмий журналларда чоп этилган бўлиб, уларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида, 24 таси Scopus базасига кирувчи нуфузли даврий нашрларда ва 1 та иш *p*-adic Methodology in STEAM-H "*Advances in Non-Archimedean Analysis and Applications*" (Springer, Switzerland, 2021) номли китобнинг боби сифатида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 193 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шунингдек,

бу қисмда диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ноарҳимед вектор фазоларида чизиқли динамик системалар ва мономиал тенгламанинг татбиқлари”** деб номланган биринчи боби икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм ноарҳимед вектор фазолардаги чизиқли операторларнинг динамикасига бағишланган. Иккинчи қисми эса кейинги боблар учун асос бўлиб хизмат қиладиган маълумот ва натижалардан иборат. Биринчи параграфда ноарҳимед вектор фазолар ҳақида умумий маълумотлар келтирилган. Иккинчи параграфда (ҳақиқий ва комплекс) топологик вектор фазолардаги чизиқли операторларнинг гиперциклик ва суперцикликлиги ҳақидаги маълум теоремаларнинг ноарҳимед муқобиллари исботланган. Чизиқли операторлар учун гиперцикликлик чексиз ўлчамли фазолардагина маънога эга бўлиши кўрсатилган. Учинчи, тўртинчи ва бешинчи параграфларда ноарҳимед c_0 фазода умумлашган юкланган чапга суриш операторларининг гиперциклик, суперциклик ва циклик бўлиши учун зарур ва етарли шартлар топилган. Олтинчи параграфда p-адик сонлар майдонида $x^q = a$ мономиал тенглама қаралган бўлиб, бу тенгламанинг илдизлари сони ҳақида тўлиқ маълумот берувчи натижалар олинган. Шунингдек, охирги параграфда мономиал тенгламанинг баъзи муҳим табиқлари келтирилганки, бу татбиқлар кейинги бобларда кенг фойдаланилган.

$\mathbb{K}$ ноарҳимед майдони устида X ва Y топологик вектор фазолар берилган бўлсин. X фазони Y фазога акслантирувчи барча узлуксиз чизиқли операторлар тўпламини $L(X,Y)$ каби белгилаймиз. Хусусан, $X = Y$ бўлганида $L(X,Y)$ ўрнига $L(X)$ ёзувдан фойдаланамиз. Демак, $T \in L(X)$ ёзув X топологик вектор фазода T узлуксиз чизиқли оператор берилганини англатади. Берилган $T \in L(X)$ оператор учун $\boldsymbol{x} \in X$ векторнинг T-*орбитаси* деганда қуйидаги тўпламни тушунамиз

$$O(\boldsymbol{x},T) := \{T^n(\boldsymbol{x}); n \in \mathbb{Z}_+\}.$$

Агар $T \in L(X)$ оператор учун бирор $\boldsymbol{x} \in X$ вектор топилиб, унинг T-орбитаси X фазода зич бўлса, бу операторга *гиперциклик оператор* дейилади. Мос $\boldsymbol{x}$ векторга эса T- *гиперциклик* вектор дейилади. Барча T-гиперциклик векторлар тўплами $HC(T)$ каби ёзилади.

Агар $T \in L(X)$ оператор учун бирор $\boldsymbol{x} \in X$ вектор топилиб, унинг проектив T-орбитаси, яъни қуйидаги тўплам

$$\mathbb{K} \cdot O(\boldsymbol{x},T) := \{\lambda T^n(\boldsymbol{x}); n \in \mathbb{Z}_+,\ \lambda \in \mathbb{K}\}$$

X фазода зич бўлса, бу операторга *суперциклик оператор* дейилади. Мос $\boldsymbol{x}$ векторга эса T- *суперциклик* вектор дейилади. Барча T-суперциклик векторлар тўплами $SC(T)$ каби ёзилади.

Агар $T \in L(X)$ оператор учун бирор $\boldsymbol{x} \in X$ вектор топилиб, қуйидаги тўплам

$$\mathbb{K}[T]\boldsymbol{x} := \ span\ O(\boldsymbol{x}, T) = \{P(T)(\boldsymbol{x}) : P\ -\ \text{кўпҳад}\}$$

X фазода зич бўлса, бу операторга *циклик оператор* дейилади. Мос $\boldsymbol{x}$ векторга эса T-*циклик* вектор дейилади. Барча T-циклик векторлар тўплами $CC(T)$ каби ёзилади.

1-теорема. *X сепарабел F-фазо ва $T \in L(X)$ оператор берилган бўлсин. У ҳолда қуйидаги тасдиқлар тенг кучли:*

(i) T гиперциклик оператор;

*(ii) T **топологик транзитив**, яъни ихтиёрий бўш бўлмаган (U, V) очиқ тўпламлар жуфтлиги учун шундай $n \in \mathbb{N}$ мавжудки, $T^n(U) \cap V \neq \emptyset$ ўринли.*

2-теорема. *X сепарабел F-фазо ва $T \in L(X)$ оператор берилган бўлсин. У ҳолда қуйидаги тасдиқлар тенг кучли:*

(i) T суперциклик оператор;

(ii) ихтиёрий бўш бўлмаган (U, V) очиқ тўпламлар жуфтлиги учун шундай $n \in \mathbb{N}$ ва $\lambda \in \mathbb{K}$ мавжудки, $\lambda T^n(U) \cap V \neq \emptyset$ ўринли.

$\mathbb{K}$ ноарҳимед майдонида элементлари

$$\sup_{i,j}\{|w_{i,j}|\} < \infty, \qquad w_{k,l} = 0, \qquad \forall k \geq l. \tag{1}$$

каби аниқланган $\mathcal{W} = (w_{i,j})_{i,j=1}^{\infty}$ чексиз ўлчамли юқори учбурчак матрицаси берилган бўлсин. Бу матрица ёрдамида c_0 фазода қуйидаги чизиқли операторни қараймиз

$$B_{\mathcal{W}}(\boldsymbol{e}_n) = \begin{cases} \boldsymbol{0}, & \text{агар} \quad n = 1; \\ \sum_{j=1}^{n-1} w_{j,n}\boldsymbol{e}_j, & \text{агар} \quad n \geq 2. \end{cases} \tag{2}$$

(2) формула билан аниқланган операторга *умумлашган юкланган чапга суриш оператори* дейилади. Агар (1) каби аниқланган $\mathcal{W}$ матрицанинг элементлари ихтиёрий $k \neq l + 1$ индексларда $w_{k,l} = 0$ шартни ҳам қаноатлантирса, мос $B_{\mathcal{W}}$ оператор *юкланган чапга суриш операторига* айланади. Таъкидлаш жоизки, $\boldsymbol{w} = (w_n)_{n\in\mathbb{N}} \in \ell_1$ (юк) векторига мос *юкланган чапга суриш оператори* $B_{\boldsymbol{w}}(\boldsymbol{e}_1) = \boldsymbol{0}$ ва ихтиёрий $n \geq 2$ учун $B_{\boldsymbol{w}}(\boldsymbol{e}_n) = w_{n-1}\boldsymbol{e}_{n-1}$ каби аниқланади. Бунда $w_{n-1,n} := w_{n-1}$ ва қолган

элементлар учун $w_{k,l} := 0$ дейиш орқали (1) матрицани ҳосил қилиш мумкин. Шунингдек, юкланган чапга суриши оператори учун юк векторининг барча координаталари 1 бўлса, бу оператор *чапга суриш оператори* дейилади ва у B каби ёзилади.

3-теорема. $\mathcal{W}-$ *элементлари (1) муносабат билан аниқланган матрица бўлсин. Агар ихтиёрий* $k \geq 1$ *учун* $w_{k,k+1} \neq 0$ *ўринли бўлса, у ҳолда* c_0 *фазодаги* $B_{\mathcal{W}}$ *умумлашган юкланган чапга суриш оператори суперциклик бўлади.*

1-натижа. $\mathcal{W}-$ *элементлари (1) муносабат билан аниқланган матрица бўлсин. Агар ихтиёрий* $k \geq 1$ *учун* $w_{k,k+1} \neq 0$ *ўринли бўлса, у ҳолда* c_0 *фазодаги* $B_{\mathcal{W}}$ *умумлашган юкланган чапга суриш оператори циклик бўлади.*

4-теорема. $\mathcal{W}-$ *элементлари (1) муносабат билан аниқланган матрица бўлсин. Агар унинг элементлари қуйидаги*

$$\sup_j\{|w_{k,j}|\} = |w_{k,k+1}| \neq 0, \quad \forall k \geq 1. \tag{3}$$

муносабатларни ҳам қаноатлантирса, у ҳолда $B_{\mathcal{W}}$ *операторнинг гиперциклик бўлиши учун* $\limsup_{n\to\infty} \prod_{i=1}^{n} |w_{i,i+1}| = \infty$ *ўринли бўлиши етарли.*

Элементлари (1) муносабат билан аниқланган $\mathcal{W}$ матрица учун қуйидаги операторни қараймиз

$$T_{\mathcal{W}} := I + B_{\mathcal{W}}. \tag{4}$$

Равшанки, (4) операторнинг берилишига кўра ҳар бир $\boldsymbol{x} \in c_0$ вектор учун

$$(T_{\mathcal{W}}(\boldsymbol{x}))_k = x_k + \sum_{j=k+1}^{\infty} w_{k,j}x_j, \qquad \forall k \in \mathbb{N},$$

ўринли бўлади.

5-теорема. $\mathcal{W}-$ *элементлари (1) муносабат билан аниқланган матрица бўлсин. Агар бу матрицанинг элементлари учун* $\sup_{j\geq 1}\{|w_{1,j}|\} = 0$ *ўринли бўлса, у ҳолда қуйидаги тасдиқлар тенг кучли:*

(i) $T_{\mathcal{W}}$ *суперциклик;*

(ii) $T_{\mathcal{W}}$*, гиперциклик, бу ерда* $\mathcal{W}' = (w'_{i,j})_{i,j=1}^{\infty}$ *ва* $w'_{i,j} = w_{i+1,j+1}$, $\forall i,j \in \mathbb{N}$.

6-теорема. $\mathcal{W}-$ *элементлари (1),(3) муносабатлар билан аниқланган матрица бўлсин. У ҳолда (4) формула билан берилган* $T_{\mathcal{W}}$ *оператор учун қуйидагилар ўринли:*

(i) *агар* $\lim_{n\to\infty} \prod_{j=1}^{n} |w_{j,j+1}| = \infty$ *бажарилса, у ҳолда* $HC(T_{\mathcal{W}}) \neq \emptyset$ *ўринли;*

(ii) *агар* $\lim_{n\to\infty} \prod_{j=2}^{n} |w_{j,j+1}| = \infty$ *бажарилса, у ҳолда* $SC(T_{\mathcal{W}}) \neq \emptyset$ *ўринли.*

$\mathbb{Q}_p -$ p-адик сонлар майдони бўлсин. Ихтиёрий $x \in \mathbb{Q}_p^{\times}$ сонни ягона усулда қуйидаги каноник ёйилма кўринишида ифодалаш мумкин

$$x = p^{\gamma(x)}(x_0 + x_1 p + x_2 p^2 + \cdots), \tag{5}$$

бу ерда $\gamma(x) \in \mathbb{Z}$ ва x_j бутун сонлар бўлиб, $x_0 > 0$, $0 \le x_j \le p-1$ муносабатларни қаноатлантиради. Бу ҳолда, $|x|_p = p^{-\gamma(x)}$ ўринли.

Ҳисоблашларда қулайлик учун биз қуйидаги янги белгилашларни киритамиз: “O” ва “o” (Аслида бу белгилашлар “$\equiv (mod\ p^k)$” ёзувнинг ўрнига қўлланилади). $x \in \mathbb{Q}_p$ учун $O[x]$ ёзув p-адик нормаси $p^{-\gamma(x)}$ бўлган ихтиёрий сонни англатади, яъни $|x|_p = |O(x)|_p$. Шунингдек, $o[x]$ ёзув эса p-адик нормаси $p^{-\gamma(x)}$ сондан кичик ихтиёрий сонни англатади, яъни $|o(x)|_p < |x|_p$. Масалан, $x = 1 - p + p^2$ сони берилган бўлса, у ҳолда $x = O[1]$, $x - 1 = o[1]$ ёки $x - 1 + p = o[p]$ каби ёзиш мумкин. $O[\cdot]$ ва $o[\cdot]$ белгилашлар p-адик сонларнинг нормасини баҳолашда қулай эканлигини таъкидлаш жоиз. Равшанки, $y = O[x]$ ва $x = O[y]$ ёзувлар тенг кучли.

Берилган $a \in \mathbb{Q}_p$ ва $r > 0$ сонлари учун маркази a нуқтада радиуси r бўлган очиқ шарни $B(a,r) := \{x \in \mathbb{Q}_p : |x - a| < r\}$ каби ёзамиз. Шунингдек, $\mathbb{Z}_p = \{x \in \mathbb{Q}_p : |x|_p \le 1\}$ ва $\mathbb{Z}_p^* = \{x \in \mathbb{Q}_p : |x|_p = 1\}$ тўпламлар мос равишда *p-адик бутун сонлар* ва *p-адик бирлар тўплами* дейилади..

$\mathbb{Q}_p$ майдонда қуйидаги мономиал тенгламани қараймиз

$$x^k = a, \quad k \in \mathbb{N},\ a \in \mathbb{Q}_p. \tag{6}$$

Кўриш мумкинки, мономиал тенгламани $\mathbb{Z}_p^*$ тўплам устида қараш етарли. Дарҳақиқат, ихтиёрий $x \in \mathbb{Q}_p^{\times}$ сон учун ягона $x^* \in \mathbb{Z}_p^*$ сони мавжудки, $x = \frac{x^*}{|x|_p}$ ўринли. У ҳолда $x = \frac{x^*}{|x|_p}$ ва $a = \frac{a^*}{|a|_p}$ ёзувларни (6) тенгламага қўйиб, $\left(\frac{x_*}{|x|_p}\right)^k = \frac{a_*}{|a|_p}$ тенгликни ҳосил қиламиз. Бу эса (6) тенгламанинг $a \in \mathbb{Q}_p$ сони учун $\mathbb{Q}_p$ майдонда ечимга эга бўлиши бирор $l \in \mathbb{Z}$ сони учун $|a|_p = p^{kl}$ тенглик ўринли ва $x_*^k = a_*$ тенгламанинг $\mathbb{Z}_p^*$ тўпламда ечимга эга бўлишига тенг кучли эканлигини билдиради. Демак, (6) мономиал тенгламада фақат $a \in \mathbb{Z}_p^*$ бўлган ҳолни кўриш етарли экан.

$b \in \mathbb{Z}$ сони учун $x^m \equiv b(mod\ p)$ таққослама $\mathbb{Z}$ тўпламда ечимга эга бўлса, b сонига *p модул бўйича m-даражали қолдиқ* дейилади. Маълумки, $b \in \mathbb{Z}$ сони p модул бўйича m-даражали қолдиқ бўлиши учун $b^{\frac{p-1}{d}} \equiv 1(mod\ p)$ ўринли бўлиши зарур ва етарли. Бу ерда $d = \text{ЭКУБ}(m, p-1)$. Берилган $a \in \mathbb{Z}_p^*$ сони учун қуйидаги белгилашларни қиламиз

$$Sol_p(x^k - a) = \{\xi \in \mathbb{F}_p : \xi^k - a = o[1]\} \text{ ва } \kappa_p = card\big(Sol_p(x^k - a)\big),$$

бу ерда $\mathbb{F}_p$ тўплам p модул бўйича қолдиқлар синфи. Равшанки, $0 \leq \kappa_p \leq k$ ўринли. Таъкидлаш жоизки, $Sol_p(x^k - a) \neq \emptyset$ муносабат a_0 сонининг p модул бўйича k-даражали қолдиқ бўлишига тенг кучли.

7-теорема. $p \geq 3$ *ва* $k = mp^s$, *ЭКУБ*$(p, m) = 1$, $s \geq 0$ *бўлсин. Айтайлик,* $a \in \mathbb{Z}_p^*$ *сони қуйидаги каноник ёйилмага*

$$a = a_0 + a_1 p + a_2 p^2 + \cdots,$$

эга бўлсин. Агар $Sol_p(x^k - a) \neq \emptyset$ *бўлса, у ҳолда қуйидагилар тенг кучли тасдиқлардир:*

(i) *(6) тенглама илдизга эга;*

(ii) $a = a_0^{p^s} + o[p^s]$;

(iii) *ихтиёрий* $\xi \in Sol_p(x^k - a)$ *учун (6) тенглама* $B(\xi, 1)$ *очиқ шарда ягона илдизга эга.*

p-Адик экспоненциал функция қуйидаги қатор билан аниқланади

$$\exp_p(x) = \sum_{n=0}^{\infty} \frac{x^n}{n!}.$$

Бу қаторнинг яқинлашиш соҳаси $B(0, p^{-1/(p-1)})$ очиқ шардир. Қуйидаги тўплам

$$\mathcal{E}_p = \left\{x \in \mathbb{Q}_p : |x - 1|_p < p^{-1/(p-1)}\right\}$$

p-адик экспоненциал функциянинг қийматлари тўпламидир.

2-натижа. $p \geq 3$ *ва* $k = mp^s$, *ЭКУБ*$(p, m) = 1$, $s \geq 0$ *бўлсин. Каноник ёйилмаси* $a = a_0 + a_1 p + a_2 p^2 + \cdots$, *бўлган ихтиёрий* $a \in \mathbb{Z}_p^*$ *сони учун шундай* $x_* \in \mathbb{Z}_p^*$ *сони топилиб* $x_*^k = a + o[k^2]$ *муносабат ўринли бўлиши учун қуйидаги шартларнинг бажарилиши зарур ва етарли:*

(1) $Sol_p(x^k - a) \neq \emptyset$;

(2) $a = a_0^{p^s} + o[p^s]$.

3-натижа. $p \geq 3$ *ва* $a \in \mathcal{E}_p$ *берилган бўлсин. Қуйидаги тасдиқлар ўринли:*

(i) *агар* $|k|_p \leq |a - 1|_p$ *бажарилса, у ҳолда (6) тенглама илдизга эга эмас.*

(ii) агар $|k|_p > |a - 1|_p$ *бажарилса, у ҳолда (6) тенглама айнан* κ_p *та илдизга эга. Бунда* $\xi_i \in Sol_p(x^k - a)$ *ўринли бўлган ҳар бир* $i \in \{1, 2, \ldots, \kappa_p\}$ *индекс учун (6) тенглама* $B(\xi_i, 1)$ *тўпламда ягона илдизга эга.*

1-изоҳ. *3-Натижага кўра* $|a-1|_p < |k|_p$ *шартни қаноатлантирувчи ҳар бир* $a \in \mathcal{E}_p$ *сони* $\mathcal{E}_p$ *тўпламда битта* k*-даражали илдизга эга ва бу илдизга* a *сонининг* k*-даражали туб илдизи дейилади.* a *сонининг* k*-даражали туб илдизини* $\sqrt[k]{a}$ *каби ёзамиз. Демак, берилган* $a \in \mathcal{E}_p$ *сони учун* $\sqrt[k]{a}$ *ёзувда биз ҳар доим* k*-даражали туб илдизни назарда тутган бўламиз.*

Диссертациянинг **"Ярим чексиз Кэли дарахтида Изинг типидаги моделлар учун *p*-адик Гиббс ўлчовлари"** деб номланган иккинчи бобида ихтиёрий тартибли ярим чексиз Кэли дарахтида берилган Изинг типидаги статистик моделлар учун умумлашган p-адик Гиббс ўлчовлари қурилган. p-Адик эҳтимоллар назариясидан фойдаланиб фаза алмашишлари мавжудлиги таҳлил қилинган. Изинг-Поттс функциясининг қўзғалмас нуқталарини топиш орқали трансляцион-инвариант умумлашган p-адик Гиббс ўлчовлари тўплами тавсифланган. Бу тавсиф фаза алмашишлари мавжудлигини кўрсатиш имконини берган. Ҳақиқий ҳолда фаза алмашишлари лимит Гиббс ўлчовининг сингулярлигини таъминлайди. Лекин, p-адик ҳолда ўлчовларнинг сингулярлигини англатувчи кучли фаза алмашиши мавжуд эмаслиги кўрсатилди. Бобнинг иккинчи қисмида Изинг-Ваннименус моделининг p-адик варианти ўрганилди. Бу модел учун k – дарахтнинг тартиби ва p – туб сонга боғлиқ равишда фаза алмашишлари мавжудлиги кўрсатилди. Шу ўринда p-адик ҳолда фаза алмашишлари бир неча турда бўлишини эслатиб ўтиш жоиз. Бу ерда фаза алмашиши деганда бири чегараланган бошқаси чегараланмаган p-адик Гиббс ўлчовларининг мавжудлиги назарда тутилмоқда.

$\Gamma_+^k = (V, L)$ бу тартиби $k \geq 1$ ва илдизи x^0 бўлган ярим чексиз Кэли дарахти, яъни илдизидан k та, бошқа учларидан $k+1$ та қирра чиқувчи циклга эга бўлмаган чексиз граф. Бу ерда V графнинг учлари тўплами ва L унинг қирралари тўпламидир. Агар x ва y учларни туташтирувчи $\langle x, y\rangle \in L$ қирра мавжуд бўлса, бу учларга *яқин қўшнилар* дейилади. $\langle x, x_1\rangle, \dots, \langle x_{d-1}, y\rangle$ турли қирралар кетма-кетлигига эса x учдан y учга олиб борувчи *йўл* дейилади. Йўл ёрдамида дарахтда метрика аниқлаш мумкин, яъни x учдан y учга олиб борувчи йўлдаги қирралар сонига шу учлар орасидаги масофа дейилади ва у $d(x, y)$ каби белгиланади.

Қуйидаги тўпламларни қараймиз

$$W_n = \{x \in V\colon\ d(x, x^0) = n\}, \quad V_n = \cup_{m=0}^{n} W_m, \quad L_n = \{\langle x, y\rangle \in L\colon\ x, y \in V_n\}.$$

Γ_+^k дарахтда координатали структура аниқлаш мумкин: x^0 илдизга (0) ёзувни ва $n \geq 1$ учун $x \in W_n$ учга $(i_1, \dots, i_n)$ ёзувни мос қўямиз, бунда $i_m \in \{1, \dots, k\}$, $1 \leq m \leq n$. У ҳолда $x = (i_1, \dots, i_n)$ учун қуйидаги тўпламни аниқлаймиз

$$S(x) = \{(x, i)\colon\ 1 \leq i \leq k\}, \tag{7}$$

бу ерда (x,i) ёзув $(i_1,\dots,i_n,i)$ координатани англатади. $S(x)$ тўпламга x учнинг *биринчи авлодлари* тўплами дейилади.

Шунингдек, Γ_+^k дарахтда бинар амал аниқлаш мумкин. $\circ\colon \Gamma_+^k \times \Gamma_+^k \to \Gamma_+^k$ бинар амални қуйидагича аниқлаймиз: координатали ёзувлари $x=(i_1,\dots,i_n)$ ва $y=(j_1,\dots,j_m)$ бўлган учлар учун

$$x \circ y = (i_1,\dots,i_n) \circ (j_1,\dots,j_m) = (i_1,\dots,i_n,j_1,\dots,j_m),$$

$$x \circ x^{(0)} = x^{(0)} \circ x = (i_1,\dots,i_n) \circ (0) = (i_1,\dots,i_n).$$

Ушбу амал Γ_+^k дарахтни бири бор нокоммутатив ярим группа деб қараш мумкинлигини билдиради. Дарахтнинг ярим группавий структурасидан фойдаланиб унда ҳаракатни (трансляцияни) $\tau_g\colon \Gamma_+^k \to \Gamma_+^k$, $\forall g \in \Gamma_+^k$ $\tau_g(x) = g \circ x$ каби аниқлаймиз. Равшанки, $\tau_{(0)} = id$ ўринли.

$G \subset \Gamma_+^k$ бирор қисм ярим группа ва Y-қийматли $h\colon \Gamma_+^k \to Y$ функция берилган бўлсин. Агар ихтиёрий $g \in G$ ва ҳар бир $x \in \Gamma_+^k$ учун $h(\tau_g(x)) = h(x)$ ўринли бўлса, h функцияга *G-даврий* дейилади. Ихтиёрий Γ_+^k-даврий функцияга эса *трансляцион-инвариант* дейилади.

Равшанки, ихтиёрий $m \geq 2$ натурал сони учун

$$G_m = \{x \in \Gamma_+^k\colon\ d(x,x^0) \equiv 0 (mod\ m)\}. \tag{8}$$

тўплам Γ_+^k ярим группанинг қисм ярим группаси бўлади.

$\Phi \subset \mathbb{R}$ тўплам ва дарахтнинг ҳар бир x учига бирор $\sigma(x) \in \Phi$ сонни мос қўювчи акслантиришга *конфигурация*, Φ тўпламга эса *спин қийматлар тўплами* дейилади. Мос равишда V_n ва W_n тўпламларда ҳам σ_n ва $\omega_{[n]}$ конфигурацияларни аниқлаш мумкин. V (мос равишда V_n, W_n) тўпламдаги барча конфигурациялар оиласи $\Omega = \Phi^V$ (мос равишда $\Omega_{V_n} = \Phi^{V_n}$, $\Omega_{W_n} = \Phi^{W_n}$) каби белгиланади. Берилган $\sigma_{n-1} \in \Omega_{V_{n-1}}$ ва $\omega_{[n]} \in \Omega_{W_n}$ конфигурациялар учун қуйидаги конфигурацияни аниқлаймиз:

$$(\sigma_{n-1} \vee \omega_{[n]})(x) = \begin{cases} \sigma_{n-1}(x), & \text{агар} \quad x \in V_{n-1} \text{ бўлса,} \\ \omega_{[n]}(x), & \text{агар} \quad x \in W_n \text{ бўлса.} \end{cases}$$

Кўриш мумкинки, $\sigma_{n-1} \vee \omega_{[n]} \in \Omega_{V_n}$ ўринли.

Изинг модели қаралаётганда спин қийматлар тўплами $\Phi = \{-1,1\}$ деб олинади. Ω_{V_n} чекли тўпламда p-адик Изинг модели қуйидагича берилади

$$H_n(\sigma) = N \sum_{\langle x,y \rangle \in L_n} \sigma(x)\sigma(y), \qquad \forall \sigma \in \Omega_{V_n}, \tag{8}$$

бу ерда $N \in \mathbb{Z}^\times$.

Γ_+^k дарахтда (8) модел учун умумлашган p-адик Гиббс ўлчовини қурамиз. Бунинг учун $\mathbf{h}\colon V \to \mathbb{Q}_p^\Phi$ функцияни қараймиз, $\mathbf{h}_x = (h_{-1,x}, h_{1,x})$, бу ерда $x \in V$

учун $h_{\pm 1,x} \in \mathbb{Q}_p$. Бирор $\rho \in \mathbb{Q}_p \backslash \{-1,0,1\}$ сон учун Ω_{V_n} чекли тўпламда $\mu_{\mathbf{h},\rho}^{(n)}$ p-адик эҳтимоллик ўлчовини қараймиз

$$\mu_{\mathbf{h},\rho}^{(n)}(\sigma) = \frac{1}{Z_{n,\rho}^{(\mathbf{h})}} \rho^{H_n(\sigma)} \prod_{x \in W_n} h_{\sigma(x),x}, \tag{9}$$

бу ерда $Z_{n,\rho}^{(\mathbf{h})}$ нормаллаштирувчи катталик бўлиб, у қуйидагича аниқланади

$$Z_{n,\rho}^{(\mathbf{h})} = \sum_{\sigma \in \Omega_{V_n}} \rho^{H_n(\sigma)} \prod_{x \in W_n} h_{\sigma(x),x}. \tag{10}$$

2-изоҳ. *Таъкидлаш жоизки, $Z_{n,\rho}^{(\boldsymbol{h})}$ нормаллаштирувчи катталик баъзи $\boldsymbol{h}$ функциялар учун нол бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда барча $\sigma \in \Omega_{V_n}$ конфигурациялар учун $\mu_{\mathbf{h},\rho}^{(n)}(\sigma) = \infty$ деб олинади. Бошқа томондан бундай ўлчовларнинг биз учун амалий аҳамияти камлигидан бу ҳолатларни ўлчов сифатида қабул қилмаслик мумкин.*

Юқорида (9), (10) каби берилган эҳтимоллик ўлчовлари чекли тўпламларда аниқланганини таъкидлаш жоиз. Табиийки, $\{V_n\}$ шарлар кетма-кетлиги дарахтнинг барча учларини қопловчи ўсувчи кетма-кетликдир. Демак, (9), (10) ёрдамида берилган ўлчовлардан фойдаланиб бутун дарахтда аниқланган лимит ўлчовни аниқлаш масаласи пайдо бўлади. Лимит ўлчовнинг асосий хусусияти бу чекли тўпламларда (9) каби аниқланган ўлчовлар билан устма-уст тушиши билан белгиланади, яъни Ω чексиз тўпламда аниқланган p-адик эҳтимоллик ўлчови $\mu_{\mathbf{h},\rho}$ учун қуйидаги шартнинг бажарилиши муҳим ҳисобланади

$$\mu_{\mathbf{h},\rho}\left(\left\{\sigma \in \Omega : \sigma|_{V_n} \equiv \sigma_n\right\}\right) = \mu_{\mathbf{h},\rho}^{(n)}(\sigma_n), \quad \forall \sigma_n \in \Omega_{V_n}, \ \forall n \in \mathbb{N}. \tag{11}$$

Бу каби $\mu_{\mathbf{h},\rho}$ ўлчовларни ҳосил қилишда Колмогоровнинг ўлчовни давом эттириш ҳақидаги теоремасининг ноарҳимед вариантидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун (9) каби аниқланган ўлчовлар кетма-кетлиги мувофиқлашган бўлиши, яъни ҳар бир $n \geq 1$ бутун сонда

$$\sum_{\omega_{[n]} \in \Omega_{W_n}} \mu_{\mathbf{h},\rho}^{(n)}(\sigma_{n-1} \vee \omega_{[n]}) = \mu_{\mathbf{h},\rho}^{(n-1)}(\sigma_{n-1}), \quad \forall \sigma_{n-1} \in \Omega_{V_{n-1}} \tag{12}$$

муносабатни қаноатлантириши етарли. Бошқача айтганда (12) муносабат (11) шартни қаноатлантирувчи $\mu_{\mathbf{h},\rho}$ p-адик эҳтимоллик ўлчовининг мавжудлигини таъминлайди. Бундай $\mu_{\mathbf{h},\rho}$ ўлчовга берилган модел учун *умумлашган p-адик Гиббс ўлчови* дейилади.

Изинг-Поттс функцияси деб номланувчи қуйидаги p-адик акслантиришни қараймиз

$$f_{\theta,k}(x) = \left(\frac{\theta x+1}{x+\theta}\right)^k, \quad \theta = \rho^{2N} \in \mathbb{Q}_p \backslash \{-1,0,1\}. \tag{13}$$

$Fix(f_{\theta,k})$ билан $f_{\theta,k}(x)$ функциянинг барча қўзғалмас нуқталари тўпламини белгилаймиз. Қуйида $Fix(f_{\theta,k})$ тўплам ва Изинг модели учун барча трансляцион-инвариант умумлашган p-адик Гиббс ўлчовлари тўпламини боғловчи тасдиқни келтирамиз.

1-тасдиқ. $h \neq -1$ *p-адик Изинг-Поттс функциясининг қўзғалмас нуқтаси бўлсин. У ҳолда* $\mu_h := \mu_{\boldsymbol{h},\rho}$ *ўлчов Изинг модели учун трансляцион-инвариант умумлашган p-адик Гиббс ўлчови бўлади. Бунда ҳар бир* $x \in V$ *учун* $\boldsymbol{h}_x = (1, h)$ *деб олинмоқда. Шунингдек, бу ўлчов қуйидагича ҳисобланади*

$$\mu_h(\{\sigma \in \Omega : \sigma|_{V_n} \equiv \sigma_n\}) = \frac{\rho^{H_n(\sigma)} h^{\sum_{x \in W_n} \delta_{1\sigma(x)}}}{(\rho^{-N}h+\rho^N)^{\frac{k(k^n-1)}{k-1}}(h+1)}, \qquad \forall n \in \mathbb{N},$$

бу ерда δ_{ij} *Кронеккер символи.*

2-тасдиқ. $\rho^{2N} \in \mathbb{Q}_p \backslash \{-1,0,1\}$ *ва Изинг модели учун* μ_h *трансляцион-инвариант умумлашган p-адик Гиббс ўлчови берилган бўлсин. У ҳолда қуйидагилар ўринли:*

(I) агар $|\rho|_p \neq 1$ *бўлса, у ҳолда* μ_h *чегараланган;*

(II) агар $|\rho|_p = 1$ *бўлса, у ҳолда* μ_h *ўлчов чегараланмаган бўлиши учун* $0 < |h + \rho^{2N}|_p < 1$ *ўринли бўлиши зарур ва етарли.*

$TIG\mathcal{G}_pM$ билан Изинг модели учун барча трансляцион-инвариант умумлашган p-адик Гиббс ўлчовлари тўпламини белгилаймиз.

8-теорема. $k \geq 2$ *ва* $|\rho^N|_p > 1$ *бўлсин. У ҳолда* Γ_+^k *дарахтда берилган p-адик Изинг модели учун* $card(TIG\mathcal{G}_pM) \geq 3$ *ўринли. Шунингдек, агар* $|\rho^{-N}|_p < |k-1|_p$ *бажарилса, у ҳолда қуйидаги ўринли*

$$card(TIG\mathcal{G}_pM) = \begin{cases} \mathcal{N}_{p,k-1} + 2, & \text{агар } k \text{ жуфт бўлса;} \\ \mathcal{N}_{p,k-1} + 1, & \text{агар } k \text{ тоқ бўлса.} \end{cases}$$

9-теорема. $k \geq 2$ *ва* $|\rho^N|_p < 1$ *бўлсин. У ҳолда* Γ_+^k *дарахтда берилган p-адик Изинг модели учун* $card(TIG\mathcal{G}_pM) \geq 1$ *ўринли. Шунингдек, агар* $|\rho^N|_p < |k+1|_p$ *бажарилса, у ҳолда қуйидаги ўринли*

$$card(TIG\mathcal{G}_pM) = \begin{cases} \mathcal{N}_{p,k+1} + 1, & \text{агар } k \text{ жуфт бўлса;} \\ \mathcal{N}_{p,k+1}, & \text{агар } k \text{ тоқ бўлса.} \end{cases}$$

Диссертациянинг **“p-Адик статистик моделларда хаос**” деб номланган учинчи боби p-адик статистик моделларга (Поттс ва SOS моделлари) мос акслантиришларнинг динамикасини тадқиқ этишга бағишланган. Ярим чексиз Кэли дарахтида берилган p-адик ва ҳақиқий Поттс моделларига мос динамик системалар учун траекториянинг асимптотик характери турлича бўлиши кўрсатилган. Маълумки, ярим чексиз Кэли дарахтидаги q та спин қийматли ҳақиқий Поттс модели учун $q+1$ та турли трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари мавжуд. Шунингдек, ҳақиқий ҳолда q та спин қийматли ферромагнетик Поттс модели учун ҳароратнинг иккита $0 < T'_{cr} < T_{cr}$ критик нуқталари мавжуд бўлиб, ҳароратнинг бу критик нуқталарга нисбатан жойлашувига қараб четки Гиббс ўлчовлари сони турлича бўлади, яъни ҳарорат кичик критик нуқтадан паст бўлса, q та четки Гиббс ўлчовлари, ҳарорат критик нуқталар орасида бўлса, $q+1$ та четки Гиббс ўлчовлари ва ҳарорат катта критик нуқтадан юқори бўлганда ягона четки Гиббс ўлчови мавжуд. p-Адик ҳолда эса бу модел учун Гиббс ўлчовлари тўплами ҳақиқий ҳолдагидан фарқ қилади. Масалан, q сони p сонига бўлинмаса, ихтиёрий тартибли Кэли дарахтида Поттс модели учун ягона p-адик Гиббс ўлчови мавжуд. Бу ҳолда умумлашган p-адик Гиббс ўлчови тушунчасини киритиш зарурати туғилади. Ушбу бобда p-адик Поттс моделига мос ихтиёрий даврий умумлашган p-адик Гиббс ўлчови мавжулигини кўрсатишда Поттс-Бете функциясининг хаотик характеридан фойдаланилган. Шунингдек, SOS модели учун p-адик Гиббс ўлчовининг мавжудлиги ва ягоналиги шартлари топилган.

p-Адик Поттс модели Изинг моделининг умумлашмаси бўлиб, унинг спин қийматлари $\Phi := \{1,2,\dots,q\}$ тўпламда ўзгаради.

Ω_{V_n} чекли тўпламда q та спин қийматли p-адик Поттс моделининг Ҳамилтониани қуйидагича берилади

$$\mathcal{H}(\sigma) = J\sum_{\langle x,y\rangle\in L_n}\delta_{\sigma(x)\sigma(y)}, \qquad \forall\sigma\in\Omega_{V_n}, \tag{14}$$

бу ерда $J\in\mathbb{Z}^{\times}$ ва $\langle x,y\rangle$ яқин қўшниларни ифодалайди, δ_{ij} эса Кронеккер символидир.

Γ_+^k ярим чексиз Кэли дарахтида берилган q та спин қийматли Поттс модели учун умумлашган p-адик Гиббс ўлчовини қурамиз.

Айтайлик, $\mathbf{h}: V\to\mathbb{Q}_p^q$ вектор функция берилган бўлсин, яъни ихтиёрий $x\in V$ учун $\mathbf{h}_x = (h_{1,x}, h_{2,x},\dots,h_{q,x})$. Бунда ҳар бир $i\in\{1,2,\dots,q\}$ индекс ва ихтиёрий $x\in V$ учун $h_{i,x}\in\mathbb{Q}_p^{\times}$ ўринли. Бирор $\rho\in\mathbb{Q}_p\backslash\{-1,0,1\}$ сон учун Ω_{V_n} чекли тўпламда $\mu_{\mathbf{h},\rho}^{(n)}$ p-адик эҳтимоллик ўлчовини қуйидагича аниқлаймиз

$$\mu_{\mathbf{h},\rho}^{(n)}(\sigma) = \frac{1}{Z_{n,\rho}^{(\mathbf{h})}}\rho^{\mathcal{H}(\sigma)}\prod_{x\in W_n}h_{\sigma(x),x}, \qquad \forall\sigma\in\Omega_{V_n}. \tag{15}$$

Бу ерда $Z_{n,\rho}^{(\mathbf{h})}$ нормалловчи катталик.

Қуйидаги тасдиқ орқали $\{\mu_{\boldsymbol{h},\rho}^{(n)}\}_{n\geq 1}$ кетма-кетликнинг мувофиқлашган бўлишининг зарур ва етарли шартларини **h** вектор функция ёрдамида берамиз.

3-тасдиқ. *$\mathcal{H}$ – ярим чексиз Кэли дарахтида берилган q та спинли p-адик Поттс моделининг Ҳамилтониани бўлсин. $\boldsymbol{h}: V \to \mathbb{Q}_p^q$ вектор функцияга мос (15) формула билан аниқланган ўлчовлар кетма-кетлиги мувофиқлашган бўлиши учун ҳар бир $x \in V$ учда қуйидаги тенгликларнинг ўринли бўлиши зарур ва етарли:*

$$\frac{h_{i,x}}{h_{q,x}} = \prod_{y\in S(x)} \frac{\sum_{u=1}^{q} \rho^{J\delta_{iu}} h_{u,y}}{\sum_{u=1}^{q} \rho^{J\delta_{qu}} h_{u,y}}, \qquad i \in \{1,2,\dots,q-1\}. \tag{16}$$

10-теорема. $p = 2$, $\rho \in \mathcal{E}_2$ *ва* $m \leq [q/2]$ *берилган бўлсин. У ҳолда қуйидаги тасдиқлар ўринли.*

(A) Агар қуйидаги

(A1) $|4m|_2 > max\{|\rho^J - 1|_2, |q|_2\}$ *ва* $\rho^J \notin \{1-q, 1+q\}$;

(A2) $|4m|_2 = |\rho^J - 1|_2 = |q|_2$ *ва* $\rho^J \notin \{1-q, 1+q\}$;

(A3) $|m|_2 > |\rho^J - 1|_2 = |q|_2 > |4m|_2$, $q \neq 2m$, $\rho^J \notin \{1-q, 1+q\}$ *ва* $\sqrt{1-2a+b^2}$ *мавжуд, бунда* $a = \frac{q}{2m}$, $b = \frac{\rho^J - 1}{2m}$;

шартлардан камида биттаси бажарилса, у ҳолда айнан $2C_q^m$ *та трансляцион-инвариант 2-адик Гиббс ўлчовлари мавжуд.*

(B) Агар қуйидаги

(B1) $|4m|_2 > max\{|\rho^J - 1|_2, |q|_2\}$ *ва* $\rho^J \in \{1-q, 1+q\}$;

(B2) $|4m|_2 = |\rho^J - 1|_2 = |q|_2$ *ва* $\rho^J \in \{1-q, 1+q;$

(B3) $|m|_2 = |\rho^J - 1|_2 = |q|_2 > |4m|_2$ *ва* $\rho^J \notin \{1-q, 1+q\}$;

(B4) $|m|_2 > |\rho^J - 1|_2 = |q|_2 > |4m|_2$ *ва* $\rho^J \in \{1-q, 1+q\}$;

(B5) $|\rho^J - 1|_2 = |q|_2 > |m|_2$ *ва* $\rho^J \notin \{1-q, 1+q\}$;

(B6) $|m|_2 > |\rho^J - 1|_2 = |q|_2 > |4m|_2$, $q = 2m$, $\rho^J \notin \{1-q, 1+q\}$ *ва* $\sqrt{b^2-1}$ *мавжуд, бу ерда* $b = \frac{\rho^J - 1}{q}$;

шартлардан камида биттаси бажарилса, у ҳолда айнан C_q^m *та трансляцион-инвариант 2-адик Гиббс ўлчовлари мавжуд.*

(C) Бошқа ҳолларда трансляцион-инвариант 2-адик Гиббс ўлчови мавжуд эмас.

11-теорема. $p \neq 2$, $\rho \in \mathcal{E}_p$ *ва* $m \leq [q/2]$ *берилган бўлсин. У ҳолда қуйидаги тасдиқлар ўринли.*

(A) Агар қуйидаги

(A1) $|m|_p > max\{|\rho^J - 1|_p, |q|_p\}$ *ва* $\rho^J \notin \{1-q, 1+q\}$;

(A2) $|m|_p = |\rho^J - 1|_p = |q|_p,\ 0 < |(\rho^J - 1)^2 - q^2|_p < |q^2|_p,$ $0 < |q - 2m|_p < |q|_p$ *ва шундай* $s \geq 1$ *бутун сон мавжудки,*

